

“Андижон минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” давлат унитар корхонаси билан “Йўл лойиха Бюроси” МЧЖ ўртасида лойиха-смета ишларини бажариш учун тузилган

ШАРТНОМА № Л-2022-395

Андижон шаҳри.

“01” декабрь 2022 йил.

“Андижон минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” ДУКнинг харид комиссиясининг 2022-йил 28-ноябр кунги №-192792-сонли йиғилиш баённомасига асосан, кейинги ўринларда “**Буюртмачи**” деб юритилгидиган “Андижон минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” давлат унитар корхонаси номидан Низоми асосида иш кўрувчи директорТ.Мирзаев бир томондан, матида кейинги ўринларда “**Бажарувчи**” деб юритилгидиган “Йўл лойиха Бюроси”МЧЖ Низоми асосида иш кўрувчи Бош директор в.в.б F.Мухиддинов иккинчи томондан, ушбу шартномани туздилар.

1. ШАРТНОМАНИНГ МАҚСАДИ

1.1. “**Буюртмачи**” ушбу шартнома шартларига мувофиқ **Мархамат тумани Бархот МФЙ Чўлпон ич. йўл. жорий таъмирлаш ишлари учун лойиха смета хужжатларини**лаб-чиқиш ишларини топиради. “**Бажарувчи**” бажариш мажбуриятини олади. “**Буюртмачи**” эса “**Бажарувчи**”га бажарилган ишлар учун тегишли меъёрий хужжатлар ва ташкилот нормативлари асосида тузилган лойиха-смета хужжатларида кўзда тутилган маблағни тўловини амалга ошириш мажбуриятини олади.

II. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ХИСОБ КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Бажарилиши лозим бўлган ишлар киймати (барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда)га асосан жорий нархларда 3 400 000(Уч миллион тўрт юз минг сўм)сўмни ташкил этади.

2.2.Шартнома томонлар ўртасида имзоланиб, манзиллик рўйхати тасдиқланиб молиялаштирилдиган маблағ аниқлангандан сўнг тегишли Ҳазначилик тизимидан (Уззбо дастури) рўйхатдан ўтиб, маблағ “Автомобиль йўлларни ривожлантириш Андижон худудий мақсадли жамғармаси”дан “**Буюртмачи**”нинг маҳсуе хисобига туширилгандан сўнг, 10 банк иш кунида “**Буюртмачи**” томонидан бажарилдиган ишлар кийматининг 30% аванс тариқасида келишилган сума “**Бажарувчи**”нинг хисоб рақамига ўтказиб беради.

2.3. Маблағнинг колган қисми “Автомобиль йўлларни ривожлантириш Андижон худудий мақсадли жамғармаси”дан “**Буюртмачи**”нинг маҳсуе хисоб рақамига келиб тушганидан сўнг, “**Бажарувчи**” томонидан топирилган бажарилган ишлар далолатномаси ва бажарилган ишлар киймаглари тўғрисидаги маълумотномалар асосида 30 банк иш кунида ўтказиб беради.

2.4. “**Бажарувчи**” томонидан иш тўлиқ бажариб топирилиб, қабул қилиш-топириш далолатномаси ва бажарилган ишлар кийматлари тўғрисидаги маълумотномалар белгиланган муддатда “**Буюртмачи**”га топирилиши шарт хисобланади.

2.5. Бажарилган ишлар учун тўловлар “**Буюртмачи**” томонидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

III. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

“**Бажарувчи**”нинг мажбуриятлари:

3.1. Мазкур шартномада илова қилинадиган бажарилдиган ишлар жадвалига асосан биринчи аванс тўлови тушгандан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

3.2.Барча ишларни тасдиқланган смета хужжатларига мувофиқ, мазкур шартномада назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда бажариш ҳамда “**Буюртмачи**”га мазкур шартнома шартларига мувофиқ топиради. “**Бажарувчи**” томонидан “**Буюртмачи**”га лойиха-смета хужжатларини топирилишига ўзаро тузилган далолатнома ва хисоб-варақ асос бўлади.

3.3. “**Бажарувчи**” мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва ёрдамчи пудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда лойиха-смета хужжатларини топирилиши учун “**Буюртмачи**” олдида тўлиқ мулкый жавоб беради. “**Бажарувчи**” “**Буюртмачи**” олдида ёрдамчи пудратчи ўз мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлигининг оқибатлари учун ҳам жавобгар бўлади. “**Буюртмачи**” “**Бажарувчи**” билан тузган шартномалар бузилиши билан боғлиқ талабларни ёрдамчи пудратчиларга қўймайди.

3.4. “**Бажарувчи**” геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиқ ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида геодезия ишларида ҳатолар аниқланса, “**Бажарувчи**” тегишли тuzатишларни ўз хисобидан амалга оширади.

3.5. “**Бажарувчи**” шартномада бўйича ўз мажбуриятларини сифатсиз бажарса, бажарилган лойиха-смета хужжатларига таянган ҳолда “**Пудратчи**” зарар кўрса ўз хисобидан қайтадан бажаради ҳамда пудратчининг зарарини тўлаб беради.

“**Бажарувчи**”нинг ҳуқуқлари:

3.6.Бажариб берилдиган иш учун олинадиган аванс ҳақ тўланишини мазкур шартноманинг 2.2-бандига кўра, ишни бажариб топирилгандан сўнг, мазкур шартноманинг 2.3-бандига кўра тўла ҳажмда хисоб-китоб қилинишини талаб қилиш.

Бажариб берилган ишни қабул қилиб олиш асоссиз равишда рад этилиши натижасида етказилган зарарни қопланишини талаб қилиш.

“**Буюртмачи**”нинг мажбуриятлари:

3.7. Тасдиқланган лойиха-смета хужжатлари асосида бажарилган ишларни меъёрий хужжатлар талаблари даражасида қабул қилиб олиш.

3.8. Бажарилдиган ишлар учун ҳақ тўланиши мазкур шартноманинг 2.2-бандига кўра, ишни бажариб топирилгандан сўнг, мазкур шартноманинг 2.3-бандига кўра тўла ҳажмда хисоб китоб қилиш.

“**Буюртмачи**”нинг ҳуқуқлари:

3.9. “**Бажарувчи**”дан амалдаги давлат стандартлари ва бошқа меъёрий хужжатлар билан таъминланиши талаб қилиш.

3.10. Камчиликларни бегул бартараф этилиши ёки камчиликларни бошқа шахс томонидан тўғриланлиши харажатларини қопланишини талаб қилиш.

3.11. “**Бажарувчи**”дан шартномада кўрсатилган ишларини сифатли бажарган ҳолда қабул қилиб олиш.

3.12. Агар “**Бажарувчи**” шартномани амал қилиш муддати давомида белгиланган “**Буюртмачи**”га топирмаган тақдирда, “**Буюртмачи**” мазкур объектни

шартнома муддатлари тугагандан сўнг, бажарилган ишлар учун маблаг бериш мажбуриятини олмайд.

IV. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажармаса мажбуриятни бажармаган томон иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди.

4.2. "Бажарувчи" ишларни ўз вақтида топширмаганлиги учун "Буюртмачи"га хар бир кечиктирилган кун учун шартнома мажбуриятлари бажарилмаган қисмининг 0,5% и микдоридан пеня тўлайди. Тўланадиган пенянинг суммаси бажарилмаган мажбуриятлар баҳосининг 50%идан ошмаслиги керак.

4.3. Анникланган камчилик ва нуқсонлар "Бажарувчи" томонидан ўз вақтида бартараф қилинмаса, ёки ишлар умуман бажарилмаси, "Буюртмачи" тўловларини тўхтатиб, лозим даражада, ёки умуман бажарилмаган ишларнинг 20% и микдоридан жазима ундирилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

4.4. Бажарилган ишлар учун "Буюртмачи" томонидан ўз вақтида ҳақ тўланмаса, хар бир кечиктирилган кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4% микдоридан пеня тўлайди. Тўланадиган пеняларнинг умумий суммаси кечиктирилган тўловларнинг 50% микдоридан ортимаслиги керак.

4.5. Тўланадиган пеня ва жарималар шартнома мажбуриятларини бузган томон иккинчи томонга ана шу мажбуриятларни бажармаслик оқибатида етказган зарарларни қоплаш жавобгарлигидан озод этилмайди.

4.6. Ушбу шартномада кўзда тутилмаган жавобгарликлар Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги 670-1-сонли "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонунининг 25-32 моддалари асосида белгиланади.

V. ЕНГИЙ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ

5.1. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни тўлик ёки қисман бажарилмаслиги табиат ҳолисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва бу ҳолатлар шартнома шартларини бажарилишига бевосита таъсир этса томонларнинг жавобгарлиқдан озод этилиши Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

5.2. "Бажарувчи"нинг мазкур шартномани бажариши учун бошқа шартлашувчи шериклари, ёрдамчи пудратчилар томонидан мажбуриятларнинг бузилиши, мажбуриятни бажариш учун зарур товарларнинг бозорда йўқлиги, "пудратчи"да зарур маблағларнинг бўлмаганлиги форс-мажор ҳолатларига қирмайди.

VI. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ, БЕКОР ҚИЛИШ ВА НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

6.1. Мазкур шартнома белгиланган шаклда томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ ўзгартирилиши ва бекор қилиниши мумкин.

6.2. Шартнома асосида белгиланган маблагни молиялаштирилиши билан боғлиқ муаммолар келиб чиққан тақдирда "Буюртмачи" ва "Бажарувчи" ўзаро келишув асосида шартномага ўзгартириш киритиши мумкинлиги маълумот учун қабул қилинади.

6.3. Мазкур шартнома бўйича юзага келиши мумкин бўлган низо ва келишмовчиликлар ўзаро муҳокама йўллари билан ҳал этилади. Агарда ўзаро муҳокама йўли билан ҳал этиш имкони бўлмаса, Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Андижон туманлараро Иқтисодий суди орқали ҳал этилади.

VII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

7.1. Шартнома томонлар имзолаб, ҳудудий Ҳазначилик тизимидан (Ўзсбо дастури) рўйхатдан ўтган кундан кучга киради.

7.2. Томонларнинг келишувига кўра ишларнинг топшириш муддати аванс олинган кундан бошлаб 5 (беш) кунни ташкил этади.

7.3. Ишларни бажариш бўйича маблаг "Автомобиль йўллари ривожлантириш Андижон ҳудудий максалли жамғармаси" томонидан "Буюртмачи"нинг махсус ҳисоб рақамига 2022 йил 31 декабрта қадар ажратилмаган тақдирда мазкур шартноманинг амал қилиш муддати қайта кўриб чиқилади.

7.4. Шартнома 2 нусхада тўзилиб, иккала нусхаси ҳам ҳуқуқий жиҳатдан тенг кучга эга.

VIII. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

"БҮЮРТМАЧИ"

Андижон минтақавий йўллarga буюртмачи хизмати давлат унитар корхонаси

Андижон ш. А.Йўлдошев кучаси 30-уй.

Тел/факс:(99874) 227-66-36, 226-88-90

ш/х: 304521860032277045129118018 СТИР:304917491 ОКОНХ: 42110

Ўз.Р.Молия Вазирлиги Ҳазначилиги

Ҳазна х/в 23402000300100001010

Банк номи: МБББ ХҚҚМ МФО:00014

Ҳазначилик бўлинимаси СТИР:201122919

"БАЖАРУВЧИ"

"Йўл лойиха Бюроси" маъсуляти чекланган жамияти

Тошкент шаҳар Мустақиллик шох кўчаси 68-уй Тел (998-71)237-38-

55 АКИБ "Ипатекабанк" Яшнобод филиали

х/р:20208000804010941001

МФО:00959 ИНН:300 112 785

ОКОНХ 66000



Директор:  Мирзасв

Директор в.в.б.  Муҳиддинов

Бош юрисконсулт  3.Джаборкулов